



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 11 май, № 91 (6526)

Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Хорижда ҳам харидоргир

● Андижон

Жалакудук туманидаги "Тилло инвест текстиль" масъулияти чекланган жамияти фаолияти кенгайтирилган, ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Бунинг учун 178 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига хорижда илгор тикучлик дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда тайёр-

ланаётган, эркаклар ва аёлларга мўлжалланган 20 турдаги бежирим либослар нафақат маҳаллий, балки хорижий харидорлар эътиборига ҳам тушиб улгурди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида "Тилло инвест текстиль" жамоаси 400 миллион сўмликка тенг трикотаж буюмларини экспорт қилишга эришди.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Барча юмуш автоматик тарзда бажарилади

● Жиззах

Вилоят марказидаги "Mohlaroyim Norboeva" масъулияти чекланган жамиятида янги қувват фойдаланишга топширилган, ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробар ортди. Нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланаётган мазкур корхонага хориж технологиясини ўрнатилган 230 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди.

— Илгари ишлаб чиқариш жараёни, асосан, қўлда бажарилар эди, — дейди жамият раҳбари Фахриддин Худойбердиев. — Эндиликда эса янги дастгоҳлар ёрдамида барча юмуш автоматик тарзда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, 100 турдаги озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даврида корхона томонидан 172 миллион сўмликдан ортқ маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ.

Янги лойиҳа ижросига киришилди

● Наманган

Учқўрғон туманидаги "Қўғайтаъмирлаш" масъулияти чекланган жамияти қошида фаолият кўрсатаётган "Юлдузли олтин қоп" шўба корхонасида ун маҳсулотлари га мўлжалланган полипропилен қоп ишлаб чиқарилади. Яқинда бу ерда яна бир истиқболли лойиҳа ижросига киришилди.

— Қиймати 300 миллион сўмлик ушбу биз-

нес-режага мувофиқ, озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон идишлари учун алюминий қоп-қоқчалар тайёрлаш йўлга қўйилди, — дейди шўба корхона раҳбари Улмас Ҳасанов. — Эътиборли жиҳати, қўшимча тармоқ жорий этилиши ҳисобига яна 10 та иш ўрни очилди. Биз уларга, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тақлиф қилишни мўлжаллаяпмиз.

Қудратилла НАЖИМДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мебелсозлар учун аксессуарлар

● Фарғона

Фарғона шаҳридаги "To Produce and sell Construction Materials" масъулияти чекланган жамиятида мебелсозлик санати корхоналари учун яримтайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Утган йили бу ерда умумий қиймати 700 минг АҚШ долларликдан зиёд модернизациялаш тадбирлари бажарилди. Натижада иш самарадорлиги бир неча баробар ошди.

Жамиятда мебель аксессуарлари ҳамда қисмлари маҳаллийлаштирилиши туфайли вилоятда шу йўналишда фаолият юритадиган корхоналар ва хунармандларга катта қўлайлик яратилди. Ваҳолонки, шу пайтга қадар бундай ашёлар четдан келтирилари.

Набижон СОБИРОВ.

ЭЪТИРОФ

Испаниянинг Толедо шаҳрида юртимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг амалиётга татбиқ этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан "HM Hospitales" университети клиникаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

«Ўзбекистонда соғлом авлод тарбиясига катта эътибор қаратиляпти»

Учрашувда Толедо шаҳрининг ижтимоий муассасалари вакиллари, "HM Hospitales" университети клиникаси мутахассислари, докторант ҳамда талабалари қатнашди.

Улар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифалар, мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йилни "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси изчил амалга оширилишида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди.

Давра суҳбати чоғида ушбу Давлат дастури республикада соғлиқни сақлаш тизимини узлуксиз такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ҳамда тизимли ишларнинг ўзига хос "йўл харитаси" сифатида хизмат қилаётгани эътироф этилди. Хусусан, мазкур муҳим ҳужжатда оила, оналик ва болаликни химоя қилишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника асосини ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш сингари вазифалар назарда тутилган.

— Бугун ўтказилган анжуман туфайли биз Ўзбекистон соғлиқни сақлаш масалаларига, жумладан, соғлом авлод тарбиясига катта эътибор қаратаётганидан воқиф бўлдик, — деди "HM

Hospitales" клиникасининг институционал масалалар бўйича директори Мария-Луиза Кальдерон. — Бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан ва тизимли равишда олиб борилаётгани эътиборга молик. Мамлакатингиз мустақилликнинг тарихан қисқа давридаёқ барқарор ривожланиш соҳасида БМТнинг асосий мақсадларига эришиш йўлида муваффақиятли равишда ҳаракат қилмоқда. Ўз-ўзидан аёнлик, бж жараёнда "соғлом миллат" тушунчасини чуқур ҳис қилиш катта аҳамият касб этади. Чунки оналик ҳамда болалик муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратмасдан туриб, соғлом миллатни шакллантириш мумкин эмас.

«Жаҳон» АА. Мадрид

МАҲАЛЛА САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қароридан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг буларча туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўрилди. Айни чоғда ушбу муҳим тадбир жойларда ошқоралик, муқобиллик ва тенглик каби демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилмоқда.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фарғона вилоятининг шаҳар ҳамда туманларида ҳам 5 майдан фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчилари сайлови бошланди. Худудлардаги илк сайловлар намунали тарзда уюштирилди. Хусусан, Тошлоқ туманидаги "Қанжирга" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда туман кўмаклашувчи комиссияси ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари қатнашди.

Дастлаб ушбу сайлов кун тартиби тасдиқланиб, раёсат аъзолари, санок комиссияси раиси ва аъзолари сайланди. Маҳалла раислигига 3 нафар номзод кўрсатилган бўлиб, улар сайловчиларни ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан таништирди. Натижада номзодлар ораси-

дан энг муносиб, деб топилган ҳамда фуқаролар вакилларининг 51,4 фоиз овозини тўплаганга эришган Дилором Отабекова ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Маҳалла аҳли томонидан билдирилган юксак ишонч зиммамга катта масъулият юклайди, — дейди у. — Бу ишончга келгусида амалий ишларимиз билан жавоб берамиз. Яъни маҳаллада тадбиркорликни янада ривожлантириш, бандлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратмоқчимиз. Самарали сай-ҳаракатларимизда, албатта, янги сайланган маслаҳатчилар ҳамда фаолларнинг кўмаги қўл келади.

Куvasой шаҳрининг

Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда ҳам адолат тамойиллари яққол намоён бўлди.

Маҳалладаги 554 та оилада 1804 нафар аҳоли яшайди. Раисликка 2 нафар номзод кўрсатилган бўлиб, улар ўз дастурларида худудни янада обод қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш орқали уларнинг фаровонлигини янада юксалтириш каби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратишди. Сайловчилар ўзлари учун маъқул келган номзодга овоз беришди.

(Давоми 2-бетда).

МАФТУНКОР НАФОСАТ, БЕТАКРОР ЖОЗИБА

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси ҳамда Осиё гимнастика иттифоқи шафелигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Гонконг, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Қозғоғистон ва бошқа мамлакатлар вакиллари голиблик учун баҳс олиб борди.



Албатта, бундай йирик спорт анжуманига мезбонлик қилиш масъулияти яна бир бор Ўзбекистонга ишониб топширилгани бежиз эмас. Халқаро мутахассислар юртимиздаги шарт-шароитлар, мустаҳкам моддий-техника базаси, спортга бўлган юксак эътибор, беллашувларни ташкил этиш бўйича ўтган йиллар давомида тўпланган бой тажрибани инобатга олиб, ана шундай қарорга келишди. Бу, шубҳасиз, ҳар биримизни гурурантиради.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамо-

лигида жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялашга давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўна-

лишларидан бири сифатида аҳамият қаратиляпти. Чунки миллатимизнинг эртанги қуни, келажаги бугун улғаяётган фарзандларимиз тақдири билан узвий боғлиқдир. Соғлом авлодни вояга етказишда эса спортнинг ўрни бекиёс. Бунинг ҳам давр мобайнида ўғил-қизларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб

ФАХР

қилиш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирларнинг самалари ҳам яққол тасдиқлайди. Эътибор беринг: бугунги кунга келиб, спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоиз, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоиз камайди. 14 ёшдаги ўғил-

қизларимизнинг бўйи эса сунгги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметр ўсди. Бу рақамлардан қувонмай бўладими?!

Мавжуд шарт-шароитлар туфайли республикада хотин-қизлар спорти, жумладан, унинг нафис тури бўлиши бадий гимнастика ҳам жадал ривожланиб бораётир. Сабаби, ушбу спорт тури қизларнинг гўзал ва соғлом бўлиб улғайишига ёрдам беради, мусиқага қизиқишини ошириб, маънавий оламини бойити.

(Давоми 4-бетда).

МУНОСАБАТ

Инсоннинг энг олий, муқаддас мақсадларидан бири тинч-осойишта ҳаёт кечирishiдир. Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қиладиган ва уларнинг манфаатлари муҳофазасининг қонуний асослари яратилди. Мамлакатимизда осудалик, ҳамжихатлик ҳамда бағрикенглик мустаҳкам қарор топди.

Тинчликнинг қадри бебаҳо

Эркин ва озод, тинч ҳамда бахтли-саодатли ҳаёт қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англаш, инсон манфаатлари устуворлигига эришиш юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Бу эзгу гоани ҳаётимизга кенг жорий этишда, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда давлатимиз раҳбарининг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира

майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қилган суҳбатининг кучи ҳамда таъсири ниҳоятда бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Бинобарин, қайд этилганидек, инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан тирик ва барҳаётдир. Утганларнинг хотирасини эсга олиш, уларнинг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш халқимизга хос азалий қадрият бўлиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тарих — бу ўзликни англаш ва хотира демек. Ҳар бир халқнинг, миллатнинг жаҳон майдонидаги мавқеини ҳамда келажагини белгилашда, сўзсиз, унинг алоҳида ўрни бор. Зеро, бу ўтмиш воқеликларидан хулоса чиқарган ҳолда, муносиб яшашга ундайди.

Озод ва обод Ватанни асраш туйғуси

Юртимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида юксак савияда нишонланади. Жойларда ўтказиладиган кенг миқёсдаги тадбирларда ўтган асрнинг инсониятга чексиз талафот етказган, миллионлаб одамлар ҳалокати, аёллар ҳамда болаларнинг уқубатда яшашига сабаб бўлган қонли саҳифаси — Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз хотирланади. Уша давр машаққат-

ларини сабот билан енгиб, бугунги дориларом кунларимиз учун курашган, айна дамда элу юрт ардоғида умргузаронлик қилаётган кекса авлод вакиллари юксак ҳурмат, эҳтиром кўрсатилади, инсон қадриқиммати янада улғуланади. Бинобарин, моҳияти ва аҳамиятига кўра тарих билан чамбарчас боғлиқ бу айём ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, қарияларни эъзозлашдек халқимизга хос азалий қадриятларини ўзида муассамлаштирган.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида республикамизда чакана товар айланмаси ҳажми

12,8 фоиз кўпайди.

Иқтисодий тармоқларида юқори ўсиш суръатлари таъминлангани, аҳоли даромадлари кўпайиб, ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётгани, пировардида ички истеъмол талаби кенгайгани тизимда ана шундай юқори кўрсаткичга эришиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).



Хотира ва қадр. Мазкур тушунчалар замирида халқимизга хос эзгу фазилатлар муҷассам. Инсон эътибори нақадар азиз ҳамда муқаррамлиги ўз ифодасини топган. Зеро, вақт ганимат, умр ўткинчи. Бу дунёда биздан қоладиган ўчмас из эса хайрли амалларимиздир.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланишининг боиси ҳам шунда. Ушбу санада ўтганлар номи ёдга олиниб, кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват, алоҳида эъзоз-эҳтиром кўрсатилди.

Ана шу эзгу аъёнлар куни кеча республикамизнинг турли ҳудудларида айём муносабати билан уюштирилган тадбирларда яна бир бор намойён бўлди.

ЭҲТИРОМ

МЕҲР-ОҚИБАТ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ОЛИЙ, НОЁБ ФАЗИЛАТИ



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикасида бугунги дориламон кунлар учун жонфидо қилган юрт фарзандлари ёд этилиб, кўпни кўрган нурунийларимизга иззат-икром кўрсатилди.

Санага бағишланган тантанали маросим Нукус шаҳридаги Хотира майдонида ўтказилди. Кўркем қиёфага эга муаззам гўша уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар билан гавжум бўлди. Тадбир аввалида "Мотамсаро она" хайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлган пир-давлат отахон унахонлар уруш ва ундан кейинги суронли йиллар, ўша даврларда халқимиз бошидан кечирган турли синову куйинчиликлар ҳақида сўз очиб, ёш авлодни бугунги тинч ҳамда осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукроналик билан яшашга ундовчи хотираларини ўртоклашди.



АНДИЖОН

Вилоятда ҳозирги кунда Иккинчи жаҳон урушининг 115 нафар қатнашчиси ва 4340 нафар меҳнат фахрийси истиқомат қилаётган. Уларнинг ҳаёти, саломатлиги давлатимиз ҳамда жамиятимизнинг доимий эътиборида. Қолаверса, жамоат ташкилотлари, саховатпеша ҳомиёлар нурунийлар ҳолидан тез-тез хабар олиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашапти.

Бу Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вилоятда ташкил этилган тадбирларда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, маданият ҳамда аҳоли дам олиш марказлари, истироҳат боғларида фахрийларимиз матонати, жасорати бағишланган сўхбатлар ўтказилди.

Байрам куни Андижон шаҳридаги Хотира хиёбони янада файзга тўлди. Утганлар номи ёдга олиниб, 250 нафар кекса авлод вакилига эҳтиром кўрсатилди.



БУХОРО

Вилоятда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон урушининг 116 нафар қатнашчиси ва меҳнат fronti фахрийси хонадонимизга йўқлаб келишди. Сўхбатлашди. Мукофот пулини қўлимга тутқазиди. Бу эътибордан бошим осмонга етди. Умрим беҳуда ўтмаганига, шундай бетакрор заминда туғилганимга шукрона айтдим.

— Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад мамнунимиз, — дейди Вобкент туманидаги Чармгарон маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хомид Турсунов. — Куни кеча вилоят ҳокими бошчилигидаги бир гуруҳ мутасаддилар хонадонимизга йўқлаб келишди. Сўхбатлашди. Мукофот пулини қўлимга тутқазиди. Бу эътибордан бошим осмонга етди. Умрим беҳуда ўтмаганига, шундай бетакрор заминда туғилганимга шукрона айтдим.

Хотира ва Қадрлаш кунининг асосий тадбири Бухоро шаҳридаги марказий истироҳат боғида бўлиб ўтди.



ЖИЗЗАХ

Вилоят марказидаги Хотира хиёбонида икки нақшинкор айвон қад ростлаган. Бу ерга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 12 минг нафар юртдошимиз исми-шарифи зарҳал ҳарфларда битилган. Умумхалқ байрами туфайли ана шу муаззам майдонда ўтказилган маросимда уларнинг хотираси ёдга олинди. Тинч-осуда Ватанимизда кексалик гаштини сураётган фахрийлар кўнглига хушнудлик улашилди.

— Биз, қарияларни доимо ардоқлаб келаётган Юртбошимиздан жуда миннатдоримиз, — дейди Баҳмал туманилик Ташбой ота Туратов. — Мана, айём муносабати билан давлатимизнинг яна бир эҳтиромидан баҳраманд бўлдик. Туман фаоллари хонадонимизга келиб, совғаларни тантанали равишда топширишди. Умримнинг кейинги йигирма беш йилини ана шундай роҳат-фароғатда ўтказаялман.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу маҳаллада ўтказилган сайловда фуқаролар йиғини раиси лавозимига Гулшоҳа Ибрагимова лойиқ, деб топилди, — дейди сайловни ўтказишга кўмаклашувчи Куваёш шаҳар комиссияси раиси Дилором Меҳмононова. — Шунингдек, муқобиллик асосида 13 нафар раис маслаҳатчиси ҳам сайлаб олинди. Сайлов демократик руҳда, очиқ ҳамда ошқора ўтди. Бундай ҳолатларни шахримиздаги барча фуқаролар йиғинида ўтказилаётган сайлов жараёнларида қузатиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 402 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3600 дан зиёд маслаҳатчиси сайлашни режалаштирилмоқда.

— Шу кунгача ҳудудимиздаги 35 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида сайловлар юқори савияда ўтказилди, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси раисининг ўринбосари Хожабой Елмуратов. — Мухими, ушбу масъулиятли вазифаларга муносиб номзодлар танланишига эришилмоқда. Бунда, шубҳасиз, кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар учун қулай шарт-шароит яратиб берилгани ва сайлов жараёни иштирокчиларининг соҳа қончилигига оид билимлари янада оширилгани муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Элиқалъа туманидаги "Элиқалъа" овул фуқаролар йиғинида 6 минг 600 нафар аҳоли

яшайди. Ушбу йиғинда ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенглик принциплари асосида ўтказилган сайловда фуқаролар вакиллари йиғин раиси вазифасида ишлаб келган Шавкат Холмуродовга яна ишонч билдиришди. Шунингдек, номзодлар орасидан 9 нафар маслаҳатчи танлаб олинди.

— Менга ишонч билдиргани учун йиғин аъзоларидан миннатдорман, — дейди Ш. Холмуродов.

ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси маълумотларига кўра, ҳозирги кунгача 49 та фуқаролар йиғинида сайловлар юқори савияда ташкиллаштирилди.

— Маҳалла азалдан тинчлик-товулик, меҳр-мурувват, инсонийлик, бағрикенглик ҳамда тарбия маскани сифатида шаклланиб келган, — дейди сайловни ўтқа-

ни ҳисобга олган ҳолда, йиғин раислигига 2 нафар ва раис маслаҳатчилигига 18 нафар номзод аниқлаб олинди. Бунда, албатта, уларнинг маълумоти, ташкилотчилик қобилияти, раҳбарлик ҳамда ҳаётий тажрибаси ва аҳоли ўрта-сидаги обрў-эътиборига алоҳида аҳамият берилди.

Йиғин раислигига номзодлар ўзларининг келгуси фаолият дастурларида фуқаролар йиғинини

Алиқулов. — Сайловга пухта тайёргарлик кўрилгани бунда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 3144 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда йиғилишга ўтказилди, эн орасида обрў-эътибор қозонган вакиллар сайланди. Рўйхатга олинган номзодларнинг меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар белгиланган жойларга осиб қўйилди. Йиғилишларда номзодлар ўзларининг келгуси фаолият дастурларини эълон қилиб, раисликка сайланганларидан сўнг қандай ишларни амалга оширишлари тўғрисида гапирдилар. Бу ҳақда кизгин савол-жавоблар, баҳс ва мунозаралар ҳам бўлди. Мухими, сайлов фуқароларнинг ижтимоий фаоллигига, кўтаринки руҳда ўтказилди.

— Маҳалладошларим бу гал ҳам менга ишонч билдирганидан бошим кўкка етди, — дейди Р. Жоңқувватова. — Айни чоғда бу зиммамдаги масъулиятни янада оширади. Фаолиятимиз давомида ҳудуддаги ҳар бир оилани, йиғинимизнинг ҳар бир аъзосини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга ҳамоҳанг қадам ташлашга интиламиз. Бунинг учун бор кучим ҳамда билимимни аямайман.

Республикамизнинг барча ҳудудига фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқори савияда ўтказилмоқда.

Набижон СОБИРОВ,
Хидоят АҲМЕДОВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

МАҲАЛЛА САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТМОҚДА

— Гап шундаки, қатор ишларни бошлаб кўйган эдик, икки ярим йил мобайнида уларни рўёбга чиқариш мумкин. Бунинг учун эса тинмай изланиш керак, деб ҳисоблайман. Насиб этса, маслаҳатчилар ва фаоллар кўмағида ҳудуддаги оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда яна қўллаб-қувватлаш борки, уларнинг барчасини амалга оширамиз.

Кашқадарё вилояти бўйича 660 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 6 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайлашни режалаштирилган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари

зишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Исмоилдин Абборов. — Истиклол йилларида унинг нуфузи янада ошди, ваколатлари кенгайди. Буни фуқаролар йиғинлари учун бўлиб ўтаётган сайловлар даражаси тобора юқсалиб бораётганида ҳам кўриб турибмиз. Яъни бу лавозимларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини теран тушунадиган, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган фуқаролар сайланмоқда.

Ғузур туманининг "Зарбдор" кишлоқ фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ томонидан ҳудуддаги кўчаларда ташкил этилган умумий йиғилишларда аҳолининг фикри-

янада обод қилиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёшлар тарбияси ҳамда маҳалладаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш вазифаларини белгилаб олгани сайловчиларни бефарқ қолдирмади. Улар овоз бериш жараёнида бунга амалда тасдиқладилар.

Муқобиллик асосида, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Раъно Жоңқувватова кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, 18 нафар номзоддан 9 нафари унинг маслаҳатчилари этиб сайланди.

— Барча жараён қонун талаблари асосида кечди, — дейди ишчи гуруҳ раҳбари Қарамон

Тинчликнинг қадри бебаҳо

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ўтган даврда аждрларимизнинг эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз равнақи йўлида қилган қилган кесаларга алоҳида хурмат кўрсатиш юқори босқичга кўтарилиб, бу борада аниқ чоратадбирлар изчил рўёбга чиқарилаётир. Бу эса юртимизда инсон шаъни, қадр-қиммати нечоғли юқсақ қадрланаётганидан, нурунийларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган бораётганидан далолат беради.

Бугун дунёда қузатилаётган турли воқеа-ҳодисалар, таҳдидлар биргина ўша давлат ёки минтақа ҳаётига дахлдор, деган одам адашади. Ён-атрофимиздаги геосиёсий жараёнлар, диний экстремизм, терроризм, наркобизнес, миллатлараро низолар бутун инсониятга катта ҳавф туғдирилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундай мураккаб ва таҳликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан сезгир, оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқаро миқёсда

бориш каби йўналишлар бўйича ҳам катта вазифалар юқлайди.

Бинобарин, шу кунларда республикамиз барча ҳудудда депутатлар ёшлар иштирокида "Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик — жамият тараққийининг муҳим омил" мавзuida туркум давра сўхбатлари, семинарлар ўтказилмоқда. Унда қатнашаётган фаол ёшларга ушбу бебаҳо неъматнинг инсон ҳаётида нечоғли муҳим ўрин тутгани тушунтирилиб, ҳаммиша оғоҳ ҳамда ҳушёр бўлишлари, ташки таъсирларга берилмасдан ўқиб-ўрганишлари зарурлиги уқтирилмоқда ва таълим олишлари учун яратилаётган барча шарт-шароит тўғрисида, тенгқурларининг муваффақиятлари ҳақида маълумотлар берилаётир.

Албатта, бу замонавий билим ҳамда касб-хунарларга эга бўлган, янгича, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги кунини учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.

Озод ва обод Ватанини асраш туйғуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу кунларда шаҳару қишлоқларимизда байрам шукҳи давом этмоқда. Сана муносабати билан учрашув ҳамда маърифий-бадий кечалар ўтказилапти. Ёши улуг инсонлар хонадонини эса навқирон авлод ва жамоатчилик вакиллари билан гавжум. Эътиборлиси, мазкур тадбирларда ўтмиш сабақларидан сўз юритилаётган, фаровон ҳамда бахтли ҳаётимиз, мамлакатимизнинг барча ҳудуддаги бунёдкорлик ва янгиланиш, ёшлар камолоти буюк неъмат — тинчлик туфайли экани тақрор-тақрор айтилмоқда. Президентимизнинг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида оммавий аҳдборот воситалари вакиллари билан сўхбатда айтган фикр-мулоҳазаларига ёшу кекса ўз муносабатини билдирмоқда.

Дарҳақиқат, Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлар эканми, Иккинчи жаҳон урушида эришилган галаба бизнинг халқимиз учун ҳам нақадар қимматга тушгани, муҳим қирғинларда қанча қурбон ҳамда йўқотишлар берилганини, қанчадан қанча етим-есирларнинг оху фарёди, азоб-уқубатларини яна бир қарра чуқур хис қиламиз. Юртбошимиз эътироф этганидек, бу қутлуг айёмни, бир томондан, катта гуруҳ ва ифтидор билан, иккинчи томондан, кўзда ёш билан кутиб оламиз.

Уруш бошланган пайтда 6,5 миллион нафарга яқин аҳолининг қурол кўтаришига қурби етадиган, 1,5 миллиони жангларда қатнашгани, уларнинг 500 мингдан кўпроғи ҳалок бўлгани, қанчаси бедарак

кейтиб, яна қанчаси майиб-мажруҳ ҳолда қайтгани ҳаммамизга яқин маълум. Шунинг қароборида, фронт ортида кунни тунга улаб меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларини, ўзи емай, ўзи қиймай, топган насибасини жанггоҳларга жўнатиб, кўрсатган фидойиликларини ёддан чиқариб бўлмайдим.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, олижаноблиги ўша йилларда яққол намойён бўлди. Уруш бўлаётган жойлардан ота-онасиз ва қаровисиз қолган бир миллионга яқин ёш болалар, аёллар ҳамда қарияларни бағрига олиб, охириг бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Иккинчи жаҳон урушида мана шундай жасорат, матонат ва мардлик кўрсатган, юксак инсонпарварлик фазилатлари билан эзгулик йўлида собитқадам халқимиз учун тинчлик ҳамда омонлик ҳаммиша устувор аҳамиятга эга. Ваҳолакки, дунёда экстремизм, терроризм деб аталмиш хатарлар кучайиб бораётган, ўзаро қарама-қаршиликлар кескинлашган, узоқ ва яқин атрофимизда одамлар, болалар осойишта кун орзуси билан яшаётган бугунги даврда осойишталик ҳамда барқарорликни асраш энг муҳим вазифага айланган. Давлатимиз раҳбари журналистлар билан сўхбатда айни шу масалага алоҳида эътибор қаратгани беҳиз

Ботир МАТМУРОВОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

МЕХР-ОҚИБАТ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ОЛИЙ, НОЁБ ФАЗИЛАТИ



НАВОИЙ

Навоий вилоятида истикомат қилувчи нуронийларимизнинг нури сиймоси, ҳаёт йўли ҳам ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб келган. Буни кексаларимиз сўзлаб берган хотиралардан яхши биламиз. Уларни тинглаб, тинч ҳамда осойишта ҳаётимизга шукрона айтишни ўрганамиз.



НАМАНГАН

Вилоятдаги Хотира майдони чинакам зиёратгоҳ масканга айланган. Ўтган ҳафтада бу ерда бир қатор таълим муассасалари томонидан ноънанавий дарслар ташкил этилди. Машгулотларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари муаллимлик қилди. Шундан сўнг нуронийлар мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг энгил машиналарида шахар айланмишди.

Кўни кеча вилоятдаги Иккинчи жаҳон урушининг 115 нафар қатнашчиси фарзандлари, ёр-биродарлари даврасида Хотира ва Қадрлаш кўнини тантанали нишонлади. Умумхалқ байрами арафасида уларнинг барчасига алоҳида ҳурмат, иззат-икром кўрсатилди. Бундан ташқари, меҳнат фронти фахрийлари, мустақилликни мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган юртдошларимиз, шунингдек, яқка-ёлғиз яшаётган фуқаролар ҳам тўхталардан баҳраманд бўлдилар.

Юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида жасорат ҳамда фидойилик кўрсатган, ўз меҳнати билан мамлакат ободлиги ва раванакига ҳисса қўшиб ашган ҳар бир инсон эъзоз-эҳтиромга лойиқ. Самарқанд вилоятида Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан ўтказилган тадбирларда бу эътирофлар қайта-қайта янгради. Номлари мангуга қайд этилган мард ҳамда жасур ўғлонлар жасорати тилга олинди.

Бинобарин, Президентимиз Фармони асосида Иккинчи жаҳон урушининг 200 нафар қатнашчисига пул мукофотлари топширилди. Қасаба уюшмалари Федерацияси ташкилотлари ҳам фахрийларни ўз совға-саломлари билан қўтлади. Мустақиллик йилларида юрт осойишталиги йўлида халок бўлганларнинг оила аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатилди.

Самарқанд шаҳридаги "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Гулистон шаҳрилик Қаршибой ота Сатторовнинг хонадониде айём шукўҳи ўзгача бўлди. Унга Президентимиз Фармонига биноан, пул мукофоти тантанали равишда топширилди. Шунингдек, нуронийга давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан турли совға-саломлар, дори-дармон воситалари тақдим қилинди. Файзли дастурхон атрафида куй-қўшиқлар ижро этилди.

Худди шундай тантаналар Сирдарё вилоятида истикомат қилаётган яна 35 нафар уруш қатнашчиси хонадониде ҳам бўлиб ўтди. Аини чоғда 1106 нафар меҳнат фахрийсига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Сана муносабати билан шахар туманларда учрашувлар ҳамда маърифий-баддий кечалар ўтказилди. Вилоят марказидаги Хотира майдонида уюштирилган асосий маросимда фаровон ҳаётимизга шукроналар айтилди.

Хотира ва Қадрлаш кўни Сурхондарё вилояти аҳли учун қўшалоқ шодиёнага айланди. Сабаби, сана муносабати билан Термиз шаҳрида миллий меъморчилик анъаналари асосида қад рўстлаган Хотира майдони фойдаланишга топширилди.

9 май кўни бу ерда кекса авлод вакиллари, ҳарбий хизматчилар, корхона ва ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар жам бўлишди. Тадбирда мамлакатимизда уруш ҳамда меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Шундан сўнг нуронийлар Термиз шаҳридаги "Истиқлол" тантаналар саройида вилоят бўлими томонидан ташкил этилган байрам дастурхони атрафида дийдорлашдилар.

4

ҚАРОР ВА ИЖРО

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу боис юртимизда ушбу тармоқ ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада жойларда замонавий хизматнинг янги турлари жорий қилиниб, шу орқали аҳолига қўлайлик яратиш баробарида, унинг бандлиги таъминланмоқда.

Қўлай имкониятлар самараси

Бунда Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йили Хоразм вилоятида 747 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиб, 4 минг 155 та иш ўрни яратилди ҳамда уларга, асосан, касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар жалб қилинди. Пировардида аҳолига кўрсатилётган хизматлар ҳажми 13,4 фоиз ортган ҳолда, соҳанинг ялли ҳудудий маҳсулотдаги улуши 40 фоизга етди. Айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бултур 10 фоиз ўсиб, ин-

тернет ва "Ziynet" ахборот порталидан фойдаланувчилар сони 396 мингтадан ортгани диққатга сазовордир. Бундай ютуқларга эришишда, албатта, тижорат банкларининг салмоқли ҳиссаси бор. Гап шундаки, 2015 йилда улар томонидан 12 миллиард 284

кор Отабек Ҳожиёв. — Бунинг учун банк томонидан бизга 850 миллион сўмлик кредит берилди. Тез орада меҳмонларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсата бошлаймиз. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда қишлоқ аҳли ҳам савдо-сотиқ қилиш ёки бошқа хизмат турларидан фойдаланиш учун шахарга ёки туман марказига қатнаб овора бўлишмаяпти. Сабаби, эндиликда ҳар бир қишлоқда хизмат кўрсатиш шохобчаларини бирлаштирган гузарлар барпо этилмоқда.

Вилоятда, шунингдек, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш даражаси ҳам тобора яхшиланаяпти. Бир йил ичида 55 та "Исузу" автобуси харид қилиниб, шахар ва шахар ташқарисидеги 136 та, шахарлараро ҳамда вилоятлараро 7 та йўналишда транспорт қатнови йўлга қўйилгани бунинг исботидир. Буларнинг барчаси, табиийки, аҳолига қўлайлик яратиб, уларнинг узогини яқин, оғирини энгил қилишда қўл келаётир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Қизилқум жавоҳирлари» тўхфаси

"Туркистон" саройида "Қизилқум жавоҳирлари" деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

ТАДБИР

Уруш ва меҳнат фахрийлари, пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, талаба-ёшлар қатнашган ушбу хайрия тадбирида Навоий кон-металлургия комбинатининг маданият муассасалари ва "Фарҳод" маданият саройи баддий жамоалари муסיқий дастурини намойиш қилди. Айниқса, "Сардоба" халқ фольклор-этнографик ансамблининг миллий удумларимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлари кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбир доирасида "Фарҳод" маданият саройи қошидаги Болалар ижодиёти маркази иштирокчиларининг тасвирий ҳамда амалий санъат йўналишидаги ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади. «Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 10 июнь кўни соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 18 сентябрдаги ЖСХ-2-154/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уйнинг 23, 38, 41, 42, 49, 50, 53, 54, 62, 77, 78, 79, 80, 81, 87, 88, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 103, 104, 110, 116, 117, 119, 121, 122, 125, 126, 127, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 179, 180, 183, 191, 196-хонадонларида жойлашган, умумий майдони 4655,58 кв.м. бўлган, 78 — 104-хонадонлар таъмирланган, қолган хонадонлар бўш ҳолатдаги уй-жойлар мажмуаси тақоран қўйилмоқда. Мажмуанинг бошлангич баҳоси — 10 953 437 504 сўм.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади. «Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 15 июнь кўни соат 14.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Қўқон шахар СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2015 йил 21 декабрдаги 6843/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 33-«Б» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 239,08 кв.м., фойдаланиш майдони 183,89 кв.м. бўлган, 0001-литердаги қозонхона, қурилиш ости майдони 84,28 кв.м. бўлган, 0002-литердаги ҳужжатсиз қурилган шийшон ҳамда бетон девор, металл дарвоза ва асфальт-бетон майдон. Бошлангич баҳоси — 112 500 000 сўм. 2. Фурқат тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 27 февралдаги 15-1509/4552-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фурқат тумани, Томоша шахарчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 107,80 кв.м., фойдаланиш майдони 78,72 кв.м. бўлган, 0001 — 0004-литерлардаги бино-иншоотлар. Бошлангич баҳоси — 63 031 259 сўм. 3. Олтиариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 2015 йил 19 ноябрдаги 1-3053/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Файзиобод» ҚФЙ, «Янги турмуш» МФЙ, Табассум кўчаси, 166-уйда жойлашган, ер майдони 655 кв.м., қурилиш ости майдони 570,13 кв.м., фойдаланиш майдони 307,32 кв.м. бўлган кинохона ва чойхона. Бошлангич баҳоси — 125 000 000 сўм. 4. Олтиариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 2015 йил 17 ноябрдаги 1-3065/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Янгиқўрғон» ШФЙ, «Бешқовок» МФЙ, Деҳқонобод кўчаси, 9-уйда жойлашган, ер майдони 600 кв.м., қурилиш ости майдони 208,54 кв.м., фойдаланиш майдони 76,11 кв.м. бўлган, 0001 — 0004-литерлардаги уй-жой. Бошлангич баҳоси — 136 124 700 сўм. 5. Бувайда тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2013 йил 25 ноябрдаги 3309/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Оққўрғон» ҚФЙ, Найман қишлоғи, 33-уйда жойлашган, ер майдони 630 кв.м., қурилиш ости майдони 223,61 кв.м., фойдаланиш майдони 139,70 кв.м. бўлган, 0001 — 0009-литерлардаги уй-жой. Бошлангич баҳоси — 73 623 500 сўм. 6. Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 13 апрелдаги 15-1507/4102-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Бегобод» ШФЙ,

Ойдинкўл қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 249,36 кв.м., фойдаланиш майдони 208,31 кв.м. бўлган, 0001 — 0002-литерлардаги маъмурий бино. Бошлангич баҳоси — 18 712 694 сўм. 7. Риштон тумани СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 2015 йил 12 октябрдаги 1-2767/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, «Ейилма» ҚФЙ, Ейилма қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1726,44 кв.м., фойдаланиш майдони 1659,0 кв.м. бўлган, 0001 — 0005-литерлардаги иссиқхона. Бошлангич баҳоси — 36 250 000 сўм. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 13 июнь кўни соат 17.00 да тўхтатилади. 2016 йил 27 май кўни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда тақоран қўйилмоқда: 1. Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 3 декабрдаги 1507/22694-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, «Арабозор» ҚФЙ, «Тегирмон-боши» МФЙ, Олтин водий кўчасида жойлашган, ер майдони 4011 кв.м., қурилиш ости майдони 553,22 кв.м., фойдаланиш майдони 200,72 кв.м. бўлган, 0001 — 0008 ҳамда 0010-литерлардаги маҳалла гузарни, савдо, маийш хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари. Бошлангич баҳоси — 130 000 000 сўм. 2. Қўқон шахар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шахри, Қудуқлик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 450,73 кв.м. бўлган, 0001 — 0010-литерлардаги автотеххизмат бино-иншоотлари. Бошлангич баҳоси — 317 797 874 сўм. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 25 май кўни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиний кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59. Хизматлар лицензияланган.

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Чирчиқ филиалининг 2016 йил 28 апрелдаги 11-06/780-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Қоронкўл қишлоғида жойлашган, ер майдони 4,1014 гектардан иборат бўлган, 0001 — 0018-литерлардаги бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 1 509 656 656 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 15 июнь кўни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 13 июнь кўни соат 18.00.

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Жиззах шахар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шахар судининг 2016 йил 11 январдаги 1-240/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Сайилжойи маҳалласи, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, «Жиззах чакана савдо» МЧЖга тегишли савдо мажмуаси ва офис биноси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 2 132 474 252 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 9 июнь кўни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 7 июнь кўни соат 18.00. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан Жиззах шахар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (0-372) 222-34-16. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

GRUZHINA.UZ Кўп турдаги автошиналар Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган. Тел.: (+99871) 250-07-40. Факс: (+99895) 170-32-52.

4

